ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАНОКОВ ЗАКИРЖОН

КВАНТ ВА МЕЗОСКОПИК СИСТЕМАЛАРНИНГ МАРКОВ ВА НОМАРКОВ ДИНАМИКАСИ

01.04.02 – Назарий физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УЎК: 539.172.12; 539.172.17

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Abstract of the contents of the doctoral (DSc) dissertation

Каноков Закиржон
Квант ва мезоскопик системаларнинг марков ва номарков динамикаси 3

Каноков Закиржон
Марковская и немарковская динамика квантовых и мезоскопических систем..... 25

Kanokov Zakirjon
Markovian and non-Markovian dynamics of quantum and mezoscopic systems..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 54

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАНОКОВ ЗАКИРЖОН

КВАНТ ВА МЕЗОСКОПИК СИСТЕМАЛАРНИНГ МАРКОВ ВА НОМАРКОВ ДИНАМИКАСИ

01.04.02 – Назарий физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Физика факультетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тил (ўзбек, рус, инглиз (резюме) да Илмий кенгаш веб-саҳифаси – www.inp.uz га ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz)га жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Мусаханов Мирзаюсуф Мирзамахмудович** физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Расмий оппонентлар:	**Джолос Ростислав Владимирович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Абдумаликов Абдулазиз Абдувахабович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Усманов Пазлитдин Нуритдинович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-60; факс (+99871) 289-31-18; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____куни тарқатилди.
(2018 йил «____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ю.Ташметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д.

Р. Ярмухамедов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда номувозанатдаги квант системалар динамикасининг назарий тадқиқоти замонавий назарий ва экспериментал физиканинг долзарб фундаментал масаларини ҳал қилишга катта аҳамият бермоқда. Жумладан, номувозанатли квант системалардаги флуктуация ва диссипация ҳодисалари тадқиқида, одатда, квант марков жараёнларининг стандарт техникасидан кенг миқёсда фойдаланилади. Маълумки, реал физик, техник ва биологик системаларнинг ташқи тасодифий таъсирга бўлган жавоби номарков жараён бўлиб, номарков эффект системанинг мураккаблик даражаси ошиши билан ортиб боради ва мос равишда бундай системалар марков жараёнларига асосланиб ишлаб чиқилган стандарт усул ёрдамида ифодалана олмайди. Бу номарков тасодифий жараёнларни ифодалаш учун математик усулни ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади.

Мамлакатимизда назарий физиканинг турли йўналишларини ривожлантириш ҳамда дунё миқёсида фундаментал муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада номувозанатли системаларнинг назарий муаммоларини ечиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, квант системалар учун ностационар кинетик коэффициентларни аналитик ҳисоблаш усулларини яратиш, оғир ионлар иштирокида кечадиган ядро реакцияларини назарий ўрганиш, ташқи майдонларни турли номувозанатли квант системалар ва номувозанатли жараёнларга таъсирини тадқиқ қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида номувозанатли квант системалар, номувозанатли диссипатив жараёнлар соҳасидаги назарий ва амалий изланишлар натижасида инновацион технологияларни жорий этиш орқали диссипатив квант системалар назарияси ва нанотехнология соҳасининг ривожланиш самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан биридир.

Бугунги кунда жаҳонда қуйи энергиялардаги оғир ионлар тўқнашувида ядроларнинг тўсиқости қўшилиши, кристаллардаги диссипацияли туннел ўтишлар, турли табиатдаги кучли, кучсиз ва ўта кучсиз магнит майдонларининг мураккаб физик ҳамда биологик объектларга таъсири бўйича олинган янги эксперимент натижалари мавжуд анъанавий усуллар асосида тушунтириш қийин бўлган янги муносабат ва эффектлар борлигини кўрсатмоқда. Ҳозирга қадар потенциал тўсиқдан тунелли ўтишда номарков эффектларни ҳисобга олиш номувозанатли квант системаларнинг тўла ечилмаган муаммоси бўлганлиги сабабли диссипатив квант системаларда тунел ўтишларни ҳисоблашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш кичик ўлчамли ва қуйи температурали мезоскопик системаларни тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ядроларнинг тўла қўшилиш, квазибўлиниш, бўлиниш ва ядронинг ядро билан қамраб олиниш реакциялари бўйича эксперимент

натижаларини назарий тушунтириш ва ифодалаш учун ностационар транспорт коэффициентларни ҳамда метастабил ҳолатларнинг емирилиш кенглигини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш зарур. Бундан ташқари, диссипацияли тунел ўтиш, квант нуқталар ва квант ўралар орасидаги электронларнинг транспорти масалалари ҳамда астрофизиканинг муҳим муаммоларидан бири бўлган катта зичликка эга астрономик объектлардаги ядроларнинг қўшилишини ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Фармони, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011–2015 йилларда ривожланиш истиқболлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Очиқ системаларнинг статистик ва динамик хоссаларини ифодаловчи формализмни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари дунёнинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан, Штутгарт университети (Германия), Росток университети қошидаги Физика институти (Германия), Макс Планк плазма физикаси институти (Германия), Халқаро назарий физика маркази (Италия), Кембриж университети (Буюк Британия), Алберта университети (Канада), Калифорния университети (АҚШ), Д.Хопкинс университети (АҚШ), Бразилия университети (Бразилия), Фан ва технология университети (Хитой), Жанубий-шарқий университет (Хитой), Токио университети (Япония), Москва давлат университети (Россия), Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Россия), Россия фанлар академиясининг Умумий физика институти (Россия), Москва Физика-техника институти (Россия) ва Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон)да кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Номувозанатли квант системалар динамикасининг назарий тадқиқоти бўйича жаҳон миқёсида бир қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, номувозанатли квант системалар учун чизиқли ва ночизиқли классик ва марков Ланжевен ҳамда Фоккер-Планк тенгламаларининг ечимлари топилган; кўп ўлчамли классик Ланжевен тенгламалари оғир ионларнинг бўлиниш реакциялари динамикасини тушунтиришда қўлланган. Ночизиқли Ланжевен ва Фоккер-Планк тенгламалари плазмада номувозанатли жараёнлардаги флуктуацияларни аниқлашга, радиосигналларнинг муҳитда

тарқалишидаги номарков эффектларнинг ҳиссасини ҳисоблашда фойдаланилган. Оғир ядроларнинг бўлиниш жараёнларини тадқиқ қилишда ҳам қўлланиб, зичлик матрицаси учун асосий тенгламанинг сонли ечимлари ёрдамида бўлинишнинг вақтга боғлиқлигига квант статистик эффектларнинг таъсири очиб берилган (Москва давлат университети, Сколково илмий маркази, Бирлашган ядро тадқиқотлари институти, Томск политехника институти, Омск давлат университети, Россия; Лисбоа университети, Португалия); диссипатив системаларнинг квант назарияси термостатдаги квант осциллятори модели асосида ривожлантирилган; квант заррачанинг муҳитдаги диффузиясини ифодалаш учун Калдейр ва Леггетнинг модели ишлаб чиқилган (Калифорния университети, АҚШ); потенциал тўсиқдан ўтиш ва метастабил ҳолатларнинг емирилиш жараёнларини ўрганишда стационар транспорт коэффициентли Линблад тенгламаси ечимларидан фойдаланилиб, ўтиш тезликларининг эҳтимоллилиги ҳамда емирилиш вақти ҳисобланган (Штутгарт университети, Росток университети қошидаги Физика институти, Германия; Бирлашган ядро тадқиқотлари институти, Россия).

Дунёда номувозанатли квант системалар динамикаси соҳасида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: номувозанатли квант системаларнинг ностационар транспорт коэффициентларини аниқлаш; диссипатив системаларда квант тунел ўтиш эҳтимолликларини ҳисоблаш; қуйи температураларда кечадиган номувозанат системалар учун квант флуктуацияларни топиш; номувозанатли квант системалар динамикасига ташқи майдонларнинг таъсирларини ўрганиш; қўшалоқ ядро системасининг ҳосил бўлиши, эволюцияси ва унинг емирилишларини стохастик тенгламалар асосида аниқлаш ҳамда диссипатив-динамик моделларни ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Номувозанатли квант системаларнинг статистик ва динамик хоссаларини назарий ҳамда эксперимантал ўрганиш учун зарур формализмни ривожлантириш бўйича шу пайтгача америкалик (Katja Lindeberg, Bruse J.West, Roy Jay Glauber), германиялик (W.Scheid, G.Ropke, C.V.Gardner), япониялик (K.Nishio, K.Fujikawa), италиялик (Gian Paolo Beretta), руминялик (Aurelliu Sandulescu, E.Stefanescu), франциялик (Denis Lacroix), канадалик (M.Razavy), россиялик (В.В.Додонов, А.В.Додонов, Ю.Л.Климантович, А.Н.Морозов, А.В.Скрипкин, И.Кляцкин, В.Г.Морозов, А.В.Чуркин ва бошқалар), бразилиялик (S.S.Mizrahi) олимлар ва бошқа мутахассислар тадқиқот олиб боришмоқда. Аммо ушбу ишларнинг аксариятида термостатга жойлаштирилган квант осциллятор учун ёзилган тенгламаларда номарковлик эффекти ҳисобга олинмаган ёки термостат билан осциллятор ўртасидаги боғланишлар чизиқли деб қаралган, ностационар транспорт коэффициентларни аналитик ҳисоблаш усулларига диққат қилинмаган.

Номувозанатли квант системалар назариясининг ядро реакциялари ва оғир ядроларнинг бўлиниш жараёнларига татбиқи америкалик (C.N.Mortan,

В.В.Вак ва бошқалар), германиялик (H.Hofman, F.P.Hessberger, G.Munzenberg, P.Frobrich, R.Lipperheide), россиялик (В.В.Волков, Г.Г.Адамян, Н.В.Антоненко, Р.В.Джолос, И.И.Гончар), япониялик (S.Ayik, N.Takigava, Y.Aritoma, Y.Abe) ва ўзбекистонлик (А.К.Носиров, А.И.Муминов, С.В.Артемов) олимлар ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бироқ бу ишларда оғир ядроларнинг бўлиниши ва оғир ионлар иштирокидаги ядро реакциялар квант механик табиатга эга бўлишига қарамай квант статистик эффектлар инкор қилинган ҳамда классик динамик ёки марков типидаги стохастик тенгламалар қўлланган, диссипациянинг нолокаллилигига эътибор қаратилмаган. Диффузия билан ишқаланиш коэффициентларнинг вақтга боғлиқлиги ҳисобга олинмаган ёки уларни боғловчи эмперик формулалардан фойдаланилган.

Оғир ядроларнинг бўлинишини марков ва номарков яқинлашишда ўрганилиши ядро моддаси ёпишқоқлик коэффициентининг сон миқдорлари орасидаги фарқнинг катталигини кўрсатди. Бундан ядровий материя ёпишқоқлик коэффициентининг эксперимент натижаларига асосланиб ҳисобланган миқдорий қийматлари немис (G.Wegmann, H.Hofman) ва польяк (K.Pomarski, M.Dworzeska) олимлари томонидан аниқланган бўлиб, бу ишларда диссипациянинг роли микроскопик моделлар асосида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-2.1.8 «Ядро реакциялари динамикаси» (2003–2007), ФА-Ф2-Ф055 «Оғир ионлар иштирокидаги ядро реакциялар ва ядронинг бўлиниши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг чиқишини тадқиқ қилиш» (2007–2011), Ф2-ФА-Ф115 «Кўпнуклонли алмашиниш реакциялари ва қўшилиш-бўлиниш механизмини илмий тадқиқот қилиш» (2012–2016), Ф2-60 «Кучли коррелацияланган квант системаларнинг назарияси» (2012–2016) мавзуларидаги илмий лойиҳалари дорасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади номувозанатли квант системаларнинг марков ва номарков динамикасини ифодаловчи формализмни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ташқи майдондаги номувозанатли квант система учун гамильтонианнинг аниқ ифодасини топиб, коллектив координаталар учун умумлашган номарков стохастик квант тенгламалар системасини олиш ва уларни аналитик ечимларини топиш;

номарков стохастик тенгламадан ностационар транспорт коэффициентли марков типидаги квант диффузия тенгламаларини келтириб чиқариш;

гармоник осциллятор потенциали каби потенциаллар учун термостат билан тўла боғланиш (ТБ) бўлган ҳолда ва айланувчи тўлқинлар яқинлашишида (АТЯ) Ланжевен тенгламалар системасининг аналитик ечимларини кўрсатиш;

квант термостат билан таъсирлашаётган қўшсатҳли диссипатив системалар учун ночизиқли стохастик тенгламалар системасини олиш ва уларнинг аналитик ечимларини аниқлаш;

диссипатив системанинг коллектив координаталари учун вақтга боғлиқ бўлган транспорт коэффициентларни топиш ҳамда транспорт коэффициентларни ҳамда корреляция функцияларининг асимптотикасини тадқиқ қилиш;

оғир ионлар иштирокидаги ядро реакцияси кесимларининг экспериментал қийматларини таҳлил қилиш орқали тушунтириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида номувозанатли квант системалар, квант ва мезоскопик системалардаги номувозанат жараёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини очиқ системалардаги диссипация, диффузия ва квант флуктуациялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ностационар транспорт коэффициентларни олиш учун стохастик динамика, норелятивистик квант механика ва тасодифий жараёнлар назариясининг усулларидан фойдаланилган. Система билан термостат орасидаги ўзаро таъсирлашиш масаласи Гейзенберг-Ланжевен усули орқали ечилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

квант термостат билан тўла боғланган гармоник осциллятор учун айланаётган тўлқин яқинлашиши ёндашиш доирасида ночизиқли стохастик тенгламалар системаси келтириб чиқарилган ва уларнинг аналитик ечимлари топилган;

номувозанатли квант системалар учун вақтга ошкора боғлиқ бўлган транспорт коэффициентларни аниқлашнинг ва квант флуктуацияларни аналитик ҳисоблашнинг усуллари ишлаб чиқилган;

умумлашган номарком стохастик тенгламадан зичлик матрицаси учун эквивалент номарков квант диффузия тенгламаси ва флуктуация-диссипация (ФД) нинг умумлашган квант боғланиши келтириб чиқарилган;

бир жинсли ташқи магнит майдондаги икки ўлчамли зарядланган квант осциллятор учун ностационар ишқаланиш ва диффузия коэффициентларининг аниқ ифодалари кўрсатилган;

икки ўлчамли зарядланган квант осциллятор учун транспорт коэффициентлар ва корреляция функцияларининг асимптотик қийматларини аниқловчи ифодалар ёзилган;

қуйи температура ва катта вақт оралиқлари учун осцелляторнинг корреляция функциясининг емирилишининг даражали қонунга бўйсуниши башорат қилинган;

оғир ионлар иштирокида кечадиган реакцияларда квант ва номарков эффектларининг муҳимлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумлашган номарков стохастик квант тенгламасидан вақтга боғлиқ бўлган транспорт коэффициентли марков типидаги квант диффузия тенгламаси келтириб чиқарилган;

номувозанатли жараёнлар учун флуктуация-диссипациянинг умумлашган квант муносабати ва вақтга ошкор боғлиқ бўлган транспорт диффузия коэффициентларини ҳисоблашнинг аналитик ифодалари олинган;

ташқи магнит майдондаги икки ўлчамли зарядланган квант осциллятор учун ностационар квант транспорт коэффициентлари аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги ишда назарий физика, тасодифий жараёнлар назарияси ва стохастик динамиканинг замонавий усуллари ҳамда самарадор рақамли усуллар ва алгоритмлардан фойдаланилганлиги, назарий натижаларни экспериментлар ва бошқа муаллифларнинг ишлари билан таққосланганлиги; хулосаларнинг очиқ системалар статистик физикаси ва ядро реакциялари назариясининг асосий тамойилларига мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган аналитик формулаларни диссипатив системаларда тунелли ўтишларни ифодалашда қўлланилиши; квант системаларда метастабил ҳолатларнинг яшаш вақтларини аниқлаш учун фойдаланишда асос бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг атом, ядро физикаси ва статистик физикада, кўп жисмли системаларнинг квант-механик назариясини яратишда, оптик генераторларнинг флуктуацион характеристикаларини ҳисоблашда фойдаланилиши мумкинлиги ҳамда ушбу ишда келтирилган номарков эффектларнинг янги таҳлиллари нанотехнология ҳамда квант электроникаси бўйича янги асбобларни лойиҳалаштиришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Номувозанатли квант системаларнинг марков ва номарков динамикасини ифодаловчи формализм бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

номувозанатли квант системаларнинг номарков динамикасининг назарий таҳлили ва квант стохастик тенгламаларни ечиш бўйича ишлаб чиқилган усул Россиянинг Бирлашган ядро тадқиқотлари институти ҳузуридаги Назарий физика лабораториясидаги №01-3-1029-99/20032006 «Ядровий ва мезоскопик системалар динамикаси ва тузилманинг ҳосил бўлиши» (1999–2003) фундаментал лойиҳаси доирасидаги назарий, эксперимантал натижаларни асослаш ҳамда номувозанатли квант системаларнинг номарков динамикасини тушунтиришда қўлланган (Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг 2016 йил 12 июлдаги 300-20/15-сонли маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланиши кучли деформацияланган ядроларнинг ҳолатларини ифодалашнинг янги кластер усулини ишлаб чиқиш ва супердеформацияланган ядроларни тадқиқ қилишнинг янги спектроскопик усулини башорат қилинишига имкон берган;

ностационар транспорт коэффициентларни ва метастабил ҳолатларнинг емирилиш кенглигини аниқлаш усуллари №01-3-1029-99/2008 «Қуйи энергияларда ядро-ядро тўқнашувлари ва ядроларнинг хоссалари» (2003–

2008) илмий мавзусининг бажарилишида ядроларнинг тўла қўшилиши, квазиемирилиш, емирилиш ва қамраб олинишини тавсифлашда қўлланган. (Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг 2016 йил 12 июлдаги 300-20/15-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши кучли радиоктив ва стабил ионлар дастаси ёрдамида ортиқча нейтронли ноёб изотопларни олиш имконини берган;

квант системаларнинг номарков динамикаси, метастабил ҳолатларнинг емирилиши ва Кулон тўсиғи атрофида кечадиган оғир ионлар иштирокидаги реакцияларнинг номарков Ланжевен формализми хорижий илмий журналларда (Physics Letters A, 2009; Physical Review C, 2010; Modern Physics Letters A, 2014; Physical Review B, 2015; Physics Reports 2015; Physics Letters A, 2009; International Journal of Modern Physics B, 2015) оғир ионлар иштирокидаги ядро реакциялари натижасида ядроларнинг тўла қўшилиши, квазиемирилиш, емирилиш ва қамраб олиниши бўйича назарий, эксперимантал натижаларни асослаш ҳамда номувозанатли квант системаларнинг номарков диамикасини тушунтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, шулардан 18 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ва уларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«**Квант ва мезоскопик очиқ системаларнинг марков ва номарков динамикаси»** деб номланган биринчи бобда адабиётларда марков ва номарков динамиканинг асосий ҳолатлари ва хусусиятлари ҳақидаги маълумотларнинг қисқача муҳокамаси берилган. Бу йўналишдаги асосий муаммолар санаб ўтилган ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинган. Адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлили асосида ушбу диссертациянинг мақсад ва вазифалари баён қилинган.

«**Номарков квант динамикаси ва диффузия тенгламалари»** деб аталган иккинчи бобда микроскопик гамильтонианга асосланган ҳолда номарков яқинлашишда коллектив координаталар учун Ланжевеннинг ночизиқли умумлашган квант стохастик тенгламалар системаси олинган ҳамда уларнинг аналитик ечимларидан фойдаланиб, ихтиёрий температура ва сўниш учун коллектив системанинг ностационар транспорт коэффициентларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Бунинг учун тўла система (ички ва коллектив система)нинг гамильтониани сифатида БЯТИнинг Назарий физика лабораторияси олимлари (Р.В.Джолос, С.П.Иванова, В.В.Иванов) томонидан таклиф қилинган гамильтониандан фойдаланилган. Бу гамильтониан коллектив координата q ва унга қўшма бўлган импульс p ҳамда ички эркинлик даражалари b_ν^+, b_ν га ошкора боғлиқдир:

$$H = H_c + H_b + H_{cb},$$

бу ерда

$$H_c = p\frac{1}{2\mu(q)}p + U(q), \qquad H_b = \sum_\nu \hbar\omega_\nu b_\nu^+ b_\nu,$$
$$H_{cb} = \sum_\nu V_\nu(q)(b_\nu^+ + b_\nu) + i\sum_\nu G_\nu(q,p)(b_\nu^+ - b_\nu) \qquad (1)$$

Бу ерда H_c ва H_b мос равишда коллектив ва ички системаларга тегишли. H_{cb} коллектив система билан ички системанинг боғланишини ифодаловчи хад бўлиб, у коллектив системанинг координаталари учун олинадиган тенгламалардаги диссипатив хадларнинг манбаи ҳисобланади. Ушбу гамильтониан ёрдамида Ланжевеннинг қуйидаги интегро-дифференциал тенгламалар системаси олинади:

$$\dot{q}(t)=\frac{1}{2}\{\tilde{\mu}^{-1}(q(t)),p(t)\}_{+}-\frac{1}{2}\int_{0}^{t}d\tau\{K_{GV}(t,\tau),\dot{q}(\tau)\}_{+}+\frac{1}{2}\int_{0}^{t}d\tau\{K_{GG}(t,\tau),\dot{p}(\tau)\}_{+}+F_{q}(t)$$

$$\dot{p}(t)=-H_{c,q}(q(t),p(t))-\frac{1}{2}\int_{0}^{t}d\tau\{K_{VV}(t,\tau),\dot{q}(\tau)\}_{+}+\frac{1}{2}\int_{0}^{t}d\tau\{K_{VG}(t,\tau),\dot{p}(\tau)\}_{+}+F_{p}(t) \quad (2)$$

Бу ҳаракат тенгламаларидаги интеграл хадларнинг мавжудлиги номарков системанинг ҳаракат траекторияси бўйлаб ўтган t вақт моменти бўйича хотирага эга эканлигини англатади. Тенгламалар системасининг иккинчи тенгламасидаги ($F_p(t)$) импульс бўйича тасодифий кучнинг мавжудлиги математик жиҳатдан тенгламанинг ечимини топишни анча мураккаблаштиради. Ушбу тенгламалар системасининг аналитик ечимларини топиш учун тенгламалардаги функционалларни уларнинг ўртача қийматлари билан алмаштириб, қайта нормаллашган потенциалларни гармоник (ёки тескари) осциллятор потенциали кўринишида олиш керак. Тенгламалар (2)даги диссипатив ядролар термостат температураси ва фононлар сонига боғлиқ эмас. Диссертацияда кўриб чиқилган ҳолда температура ва флуктуация ички система учун бошланғич шартларнинг тақсимоти орқали ҳисобга олинган.

Тенгламалар (2)даги $F_p(t)$, $F_q(t)$ операторлар $p(t)$, $q(t)$ ҳамда ички системанинг бошланғич шартларига боғлиқ бўлиб, импульс ва координата бўйича тасодифий кучлар операторлари ролини бажаради. Одатда, статистик физикада термостат операторлари учун бошланғич шартлар ноаниқ бўлганлиги сабабли $F_p(t)$, $F_q(t)$ операторлар флуктуация деб баҳоланади. Бу флуктуацияларнинг статистик хоссаларни аниқлашда $p(0)$, $q(0)$нинг қийматлари берилган бошланғич ҳолат ансамбли қаралади, термостатнинг бошланғич операторлари эса каноник ансамблдан олинади. Бу ансамблда флуктуация Гаусс тақсимотига эга ва унинг ўртача қиймати нолга тенг.

Диссертацияда флуктуация-диссипация (ФД) квант муносабати умумий ҳолда ихтиёрий H_{cb} учун олинган. ФД муносабатининг бажарилиши номарков динамик тенгламалар системасидаги диссипатив ядроларнинг тўғри ифодаланганини англатади. ФДнинг квант муносабати ифодаси бошқа муаллифлар томонидан аввал хусусий ҳолатда чизиқли осцилляторлар, яъни *FC* (тўлиқ боғланишли осциллятор) ва *RWA* (тез айланувчи тўлқин яқинлашиш)лар учун топилган эди.

ФДнинг квант муносабати классик муносабатдан фарқ қилади ва юқори температура T (ёки $\hbar \to 0$) бўлган ҳолларда унга келтирилиши мумкин. Классик муносабат фақат (T) иссиқлик флуктуацияларини ўз ичига олади. Диссертациядаги натижаларда квант флуктуациялар ҳам ҳисобга олинган. Коллектив координата ва импульс учун ёзилган ҳаракат тенгламалари ФД муносабатини қаноатлантирганлиги сабабли ишлаб чиқилган формализм коллектив ҳаракатларнинг квант статистик ифодалашнинг асосини таъминлайди.

Ностационар транспорт коэффициентларни топиш учун p ва q ларнинг вақтга ошкора боғлиқлигидан фойдаланиб, уларнинг асосий характеристикалари аниқланди ва биринчи момент (ўртача қиймат), иккинчи

момент (дисперсия)нинг тенгламалари уларнинг классик аналоглари билан солиштирилди ҳамда вақтга боғлиқ бўлган ишқаланиш, диффузия коэффициентлари топилди. Бу коэффициентларнинг вақтга боғлиқлиги системанинг номарковлилигидандир. Ушбу ностационар коэффициентлардан фойдаланилиб, умумлашган Ланжевен тенгламаси асосида матрица зичлиги учун Линдбланднинг марков типидаги квант диффузия тенгламаси олинган.

Диссертациянинг **«Сўнувчи квант осциллятор ва чизиқли боғланиш»** деб номланган учинчи бобида таъсирлашаётган системалар орасидаги боғланиш умумий бўлган гамильтониандан коллектив, ички системалар орасидаги боғланиш импульс ва координата учун, чизиқли бўлган ҳол учун микроскопик гамильтониан келтириб чиқарилган. Бу гамильтонианлардан фойдаланиб, чизиқли сўнувчи осциллятор учун айланувчи тўлқин яқинлашишида Гейзенберг-Ланжевен квант тенгламалар системаси олиниб, уларнинг аналитик ечимлари топилган. Ностационар транспорт коэффициентлари ва корреляция функцияларининг асимптотик қийматлари тадқиқ қилинган. Системанинг коллектив координаталари учун ёзилган ҳаракат тенгламалари ФД муносабатни қаноатлантириши исботланган.

Симметрияли корреляция функцияларининг асимптотикаси ($t- t'>0$) юқори ва қуйи температураларда турлича бўлиши аниқланган:

$$\sigma^{as}_{p_t p_{t'}}(T\to 0)\to -\frac{\hbar g_0\gamma^2\mu^2\omega^4}{\pi s_1^2 s_2^2 s_3^2}\frac{1}{(t-t')^2}=-\frac{\hbar g_0\tilde{\mu}^2\mu^2\omega^4}{(\mu\omega^2-\tilde{\mu}\xi_0^2)^2}\frac{1}{(t-t')^2}$$

$$\sigma^{as}_{p_t p_{t'}}(T\to\infty)\to -\frac{T\tilde{\mu}\mu\omega^2}{\gamma(\mu\omega^2-\tilde{\mu}\xi_0^2)^2}\left[\frac{s_2 s_3(s_2+s_3)e^{s_1(t-t')}}{(s_2-s_1)(s_3-s_1)}+\frac{s_1 s_3(s_1+s_3)e^{s_2(t-t')}}{(s_1-s_2)(s_3-s_2)}+\right.$$

$$\left.+\frac{s_1 s_2(s_1+s_2)e^{s_3(t-t')}}{(s_1-s_3)(s_2-s_3)}\right] \qquad (3)$$

Қуйи температура ва катта вақт оралиқлар учун осциллятор корреляция функциясининг емирилиши даражали қонунга бўйсунади. Сабаби осциллятор билан квант термостат орасидаги таъсирлашувнинг тўла квант механик табиатга эгалигидир, яъни ҳар бир таъсирлашувда бир системадаги квант йўқолиб, иккинчи системада туғилади. Юқори температура ва классик чегарада бундай емирилиш кузатилмайди ҳамда емирилиш экспоненциал қонуният бўйича бўлади.

Бир хил частота ва массага эга бўлган гармоник ҳамда тескари осцилляторлар (тўнкарилган парабола) учун микроскопик ишқаланиш коэффициенти $\lambda_p(t)$, ва $D_{pp}(t)$, $D_{pq}(t)$ диффузия коэффициентларининг вақтга боғлиқлиги 1- ва 2-расмларда келтирилган.



Тескари (чап томондаги графиклар) ва гармоник осцилляторлар учун (ўнг томондаги графиклар) ($\mu=50m_0$ ва $\hbar\tilde{\omega}$ =3МэВ деб олинган, T =1.0 МэВ). Туташ, штрих, нуқтали чизиқлар, мос равишда, ишқаланиш коэффициентининг $\hbar\lambda_p$=1.0, 2.0, ва 3.0 МэВ асимптотик қийматларида ҳисобланган.

1-расм. Микроскопик диффузия ва ишқаланиш коэффициентларининг вақтга боғлиқлиги (T=1.0 МэВ)

Ваҳоланки, $D_{pp}(\infty)>D^{c}_{pp}$, $D_{qp}(\infty)<0$, классик ҳолда эса $D_{qp}(\infty)=0$. D_{pp}, D_{qp} ва λ_p нинг бошланғич вақтдаги қийматлари нолга тенг бўлиб, қисқа $t \sim \gamma^{-1}$ ўтиш вақти ичида ўзининг асимптотик қийматларига эришади. Ўтиш вақти ишқаланиш коэффициенти λ_p нинг ўсиши билан жуда секин ўзгаради.

Диссертациянинг ушбу бобида квант термостат билан таъсирлашаётган қўшсатҳли якка атом учун айланувчи тўлқин яқинлашишида ночизиқли стохастик тенгламалар системаси олинган ва уларнинг аналитик ечимлари топилган. Коллектив координаталар учун тенгламалар квант ФД муносабатни қаноатлантириши кўрсатилди.



Тескари (чап томондаги графиклар) ва гармоник осцилляторлар учун (ўнг томондаги графиклар) ($\mu=50m_0$ ва $\hbar\tilde{\omega}$ =3МэВ деб олинган, T =0.3 МэВ). Туташ, штрих, нуқтали чизиқлар, мос равишда, ишқаланиш коэффициентининг $\hbar\lambda_p$=1.0, 2.0 ва 3.0 МэВ асимптотик қийматларида ҳисобланган.

2-расм. Микроскопик диффузия ва ишқаланиш коэффициентларининг вақтга боғлиқлиги (T=0.3 МэВ)

Диссертациянинг **«Фермионли ички қисмли ва ўзгарувчан боғланишли очиқ квант системанинг номарков динамикаси»** деб номланган тўртинчи бобида ички система Ферми-Дирак статистикасига бўйсинувчи зарралардан иборат бўлган ҳолат кўриб чиқилган. Квантланган майдонлар назарияси, қаттиқ жисмларнинг квант назарияси ва ядро физикасининг қатор масалаларини ечишда термостатни Ферми-Дирак статистикасига бўйсинувчи чексиз кўп осцилляторлардан иборат деб қаралиши ва системалар орасидаги таъсирни ностационарлигини эътиборга олиш талаб қилинади. Бу, айниқса, оғир ионлар иштирокида Кулон тўсиғи атрофида кечадиган ядро реакциялари тадқиқида катта аҳамиятга эга.

Коллектив система энергиясининг ўзгариши қуйидаги тенглама асосида бўлиши кўрсатилган:

$$\dot{E}(t)=-\left[2\lambda_P(t)+\frac{\dot{m}(t)}{m(t)}\right]\frac{\sigma_{pp}(t)+<p(t)>^2}{2m(t)}-[2\lambda_q(t)\xi(t)+\dot{\xi}(t)]\frac{\sigma_{qq}(t)+<q(t)>^2}{2}+$$
$$+\frac{D_{pp}(t)}{m(t)}+\xi(t)D_{qq}(t) \qquad (4)$$

Мазкур тенгламадан англашиладики, гармоник осциллятор учун энергия диссипациясининг тезлиги $\lambda_p(t)$ ва $\lambda_q(t)$ га пропорционал ўсса D_{pp}(t) ва D_{qq}(t)га пропорционал равишда камаяр экан.

Термостат билан осцилятор орасидаги тўла боғланиш ностационар бўлган хол тадқиқ қилинди. Ностационар боғланиш частотасининг сўнувчи квант осцилляторнинг диссипациясига таъсири Ланжевеннинг номарков тенгламаси асосида ўрганилди ва ностационар транспорт коэффициентларга ностационар боғланишнинг частота ўзгаришининг таъсири тадқиқ қилинди.

Ностационар боғланиш транспорт коэффициентларнинг камайишига олиб келиши кўрсатилди.

«Квант системанинг номарков динамикаси: емирилиш тезлиги ва қамраб олиш» деб аталган бешинчи бобда юқоридаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи бобларда ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган ёндашувлар оғир ионлар иштирокида қуйи энергияларда кечадиган ядро реакцияларини тушинтиришда фойдаланилган. Параболик тўсиқдан тунел ўтиш жараёнига ишқаланиш ва диффузия коэффициентларнинг таъсирлари қараб чиқилган. Вақтга боғлиқ бўлган зичлик матрицасининг турли диффузия коэффициентларига боғлиқлиги ўрганилган. Термостат билан боғланиш натижасида координата бўйича ишқаланиш коэффициентининг борлиги тўсиқ потенциалини перенормировкасига олиб келади ва бу тўсиқдан ўтиш эҳтимоллигини оширади. Тўсиқдан сизиб ўтиш тезлиги координата бўйича диффузия коэффициентига ҳам боғлиқ. Оғир ионларнинг тўқнашишида сиот тебраниши ва ядролар орасидаги нуклонлар алмашинуви ядро-ядро таъсирлашув Кулон потенциал тўсиғини перенормировкасига ва кинетик энергиянинг диссипациясига сабаб бўлади.

Тўсиқ ости энергияларда тунел ўтиш эҳтимоллиги ишқаланиш коэффициентлари $\lambda_q = \lambda_p \neq 0$ бўлган ҳолда ишқаланиш мавжуд бўлмаган $\lambda_q = \lambda_p = 0$ ҳолга нисбатан каттадир. Бу ерда координата бўйича ишқаланиш λ_q тўсиқнинг сизувчанлигини орттиради, импульс бўйича ишқаланиш λ_p эса камайтиради. Катта сизувчанлик ядроларнинг тўсиқости бирлашувчанлиги бўйича экспериментал натижаларни тушунтириш учун муҳимдир. Энергия тўсиқдан катта бўлганда ишқаланиш ва диффузия тўсиқдан ўтишни камайтиради. Энергиянинг ноль қийматида ва $\lambda_q = \lambda_p$ бўлганда диссипацияли ва диссипациясиз ўтиш эҳтимолликлари бир-бирига тенгдир.

Булардан ташқари, тўсиқнинг сизувчанлигига квант эффектларнинг таъсирлари ҳам ўрганилди. Зичлик матрицаси учун мастер тенгламанинг ечимларидан фойдаланиб, координатага боғлиқ бўлган микраскопик диффузия коэффициентларининг метатурғун ҳолатларнинг емирилишига таъсири ҳам тадқиқ қилинди. Диффузия квант механик эффект бўлиб, классик қамралишда унинг роли йўқ. Қамралиш эҳтимоллигининг энергия, бурчак моменти ва ишқаланишга боғлиқлигининг текс ўзгариши диффузиянинг мавжудлиги ҳисобигадир. Чуқур ноэластик тўқнашиш реакцияларининг ўрганиш натижасида ишқаланишнинг ҳақиқатга яқин

бўлган қиймати $\hbar\lambda_p$=1-2МэВ эканлиги топилди. $\hbar\lambda_p$нинг бу қийматларида қамраб олиш эҳтимоллиги 20% атрофида секин ўзгаради.



Бунда ^{50}Ti + ^{198}Pt система учун $\hbar\lambda_p$= 2 МэВга ва бурчак моменти J= 0 (туташ чизиқ) ва 50 (штрихли чизиқ)

3-расм. Диффузия коэффициентини ядролар маркази орасидаги нисбий масофа *R* га боғлиқлиги



Энергия Кулон тўсиғидан бошлаб ҳисобланади. J= 0 (туташ чизиқ), 30 (штрихли чизиқ), 60 (пунктирли чизиқ) ва 90 (штрих пунктирли чизиқ)

4-расм. ^{48}Ca + ^{208}Pb реакцияда қамраб олиш эҳтимоллилиги *P* нинг энергияни $\Delta E(0)=E_{cm}-V(R=R_b,J)$=5МэВ ва 15 МэВ қийматларидаги *t* вақтга боғлиқлик графиги

3-расмда диффузия коэффициентининг бурчак моменти (узлуксиз чизиқ), J= 50 (штрихли чизиқ) ва температуранинг T = 1.2 *МэВ* қийматлари учун R координатага боғланиш графиги келтирилган. Ядро-ядро таъсирлашув потенциали бурчак моменти J га боғлиқ бўлганлиги сабабли диффузия коэффициентлари ҳам J нинг функцияси бўлади. Потенциал «чўнтак» атрофида D_{pp} ва D_{qp} нинг қийматлари бурчак моменти ўсиши билан етарлича кучсиз ўзгаради.

4-расмда қамраб олиш эҳтимоллилиги $P(t)$нинг вақтга боғланиш графиги келтирилган. Бошланғич кинетик энергия учун ёзилган $E_{\rm kin}(0)=(<P(0)>^2+\sigma_{PP}(0)/(2\mu))$ формулада квант флуктуация билан боғлиқ бўлган энергия ҳисобга олинган. Коллектив системанинг тўла энергияси кулон тўсиғидан бошлаб ҳисобланган, яъни $\Delta E(0)=E_{cm}-V(R=R_b,J)$. Расмдан кўринадики, оқим квазистационар тезлигининг ўрнатилиш вақти $\tau \approx 2.0\hbar$/МэВ параметрларнинг қаралаётган оралиғи ва ишқаланиш коэффициенти, бурчак моменти ҳамда тўла энергиянинг бошланғич

қийматларига кучсиз боғланган. $t>\tau$ бўлганда P нинг қиймати экспоненциал камаяди.



Ҳисоблаш натижалари – туташ чизиқлар, $^{48}O + ^{208}Pb$ реакция учун кесим Вонг формуласи ёрдамида ҳисобланган – штрих чизиқлар.

5-расм. Расмларда кўрсатилган реакциялар учун қамраб олиш кесими.

Бурчак моментининг катта қийматларида (J=90) оқим кескин камайишининг сабаби потенциал чуқурлик (чўнтак)нинг жуда саёзлигидандир (3-расмдаги штрих-пунктирли чизиқ). Бурчак моментининг кичик қийматларида қамраб олиш эҳтимоллилиги $t = \tau$ даги қиймати $P(t)$ нинг максимал қийматига тенг.

Ҳисобланган қамраб олиш кесимининг мавжуд эксперимент натижалари билан таққослаш 5–8-расмларда келтирилган. Кулон тўсиғидан 4 МэВ кичик ва тўсиқдан 70 МэВ юқори бўлган энергиянинг қийматларида ҳисоблаш натижалари деярли барча реакциялар учун эксперимент натижалари билан мос тушади. $^{52}Cr + ^{208}Pb$ реакция учун назария билан эксперимент натижалари орасидаги мавжуд фарқни қуйидагича тушунтириш мумкин:



6-расм. Расмда келтирилган реакциялар учун қамраб олиш кесимининг ҳисобланган қиймати (туташ чизиқ). ^{48}O + ^{208}Pb реакция учун Вонг формуласи бўйича ҳисобланган натижа (штрихли чизиқ) келтирилган.



7-расм. Расмда келтирилган реакциялар учун қамраб олиш кесимининг ҳисобланган қиймати (туташ чизиқ).

Қамраб олиш кесимининг экспериментал қиймати квазибўлиниш σ_{qf}, қўшилиш-бўлиниш σ_{ff} ва буғланиш қолдиғи σ_{ER} кесимларининг йиғиндисидан иборат. ^{52}Cr + ^{208}Pb реакцияда σ_{ff} ва буғланиш қолдиғи σ_{ER} кесимлари жуда кичкина (чунки қўшилиш эҳтимоллилиги жуда кичик), шунинг учун уларни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Бундан экспериментда квазибўлиниш билан эластик ва чуқур ноэластик сочилишнинг маҳсулотлари бир-биридан қанчалик аниқ ажрата олинади, деган савол келиб чиқади. ^{52}Cr + ^{208}Pb системада заряд (масса) ассиметрияси координатаси бўйича минимум бу системани симметрик бўлган конфигурацияга оғиб кетишига қаршилик қилади, шу боис (квазибўлиниш орқали) берилган айни конфигурация бўйича емирилиш эҳтимоли катта. Квазибўлинишга заряд (масса) ассиметрияси кириш канали яқинида бўлган маҳсулотлар асосий ҳисса қўшади. Аммо экспериментда квазибўлиниш маҳсулотларини эластик ва чуқур ноэластик жараёнларникидан ажратиш ўта мураккаб. Шунинг учун баъзи экспериментларда кириш канали яқинида квазибўлиниш маҳсулотларининг ҳиссалари етарлича ҳисобга олинмаган дейиш мумкин.

Тўқнашиш энергиясининг ошиши билан ва мос равишда кириш каналидаги қўзғалиш энергияси, бошланғич системанинг симметрикроқ конфигурацияга ўтиш эҳтимоллилиги ортади ҳамда кириш канали яқинида квазибўлиниш маҳсулотларининг ҳиссаси камаяди. Тўқнашиш

энергиясининг ошиши билан назарий ҳисоблашлар ва экспериментал натижалар ўртасидаги фарқ камаяди.



Юқоридаги расм – ҳисоблашлар натижаси, пастдаги расмлар – экспериментда ўлчанган натижалар

6-расм. Нишон ядро ^{208}Pb нинг расмда келтирилган тўқнашувчи ядролар билан реакцияси учун $\sigma_{cap}E_{cm}/(\pi R_b^2\hbar\omega_b)$ нинг $(E_{cm}-V_b)/(\hbar\omega_b)$га боғлиқлиги, бу ерда $V_b=V(R=R_b,J=0)$

Қамраб олиш кесимининг ўлчанган ишончлилик критерияси $\sigma_{cap}E_{cm}/(\pi R_b^2\hbar\omega_b)$нинг $(E_{cm}-V_b)/(\hbar\omega_b)$га боғлиқлигидир. 8-расмда бу муносабатнинг экспериментал ва назарий боғланиши келтирилган. Кириш канали берадиган эффектга кўра қамраб олиш кесимининг абсолют қийматида фарқ пайдо бўлади. Бу расмдан кўринадики, тушувчи ядролар енгил бўлган реакцияларда $\sigma_{cap}E_{cm}/(\pi R_b^2\hbar\omega_b)$ каттароқ. Сабаби айни рекцияларда ядро-ядро таъсир потенциалининг ўраси («чўнтаги») чуқур ва кенгроқ. Нисбатан енгилроқ ядролар билан кечадиган ^{16}O, ^{19}F, ^{26}Mg, ^{28}Si, ^{32,34,36}S ва ^{40,48}Ca реакцияларда берилган $(E_{cm}-V_b)/(\hbar\omega_b)$ учун етарлича тор соҳада тақсимланган. $E_{cm}>V_b$ бўлганда барча реакциялар учун $\sigma_{cap}E_{cm}/(\pi R_b^2\hbar\omega_b)$нинг $(E_{cm}-V_b)/(\hbar\omega_b)$га боғлиқлигини универсал деб қараш мумкин. Тўла қўшилиш эҳтимоллиги кучли кам бўлган нисбатан оғир ^{50}Ti, ^{52}Cr + ^{208}Pb системаларда квазибўлиниш кириш канали яқинида кучли ва

экспериментал нуқталар бу тор соҳадан кўпроқ четлашади. Агар статик кулон тўсиғини эффектив динамик тўсиқ билан алмаштирилса, $^{52}Cr + ^{208}Pb$ реакция учун σ_c нинг экспериментал қийматини назарий тўғри олиш мумкин. Статик тўсиқнинг бундай силжиши «extra-push» дейилади.

Бироқ совуқ қўшилиш бўйича нишон ядролар – ^{208}Pb ва ^{209}Bi – иштирокидаги реакцияларда кириш каналида бундай эффектнинг йўқлиги экспериментда кузатилган. Демак, тўсиқнинг силжишини ҳисобга олиш σ_c нинг хақиқий қийматини топишда катта етишмовчиликка олиб келади. Кўрилган реакцияларда қамраб олиш кесими дастлаб E_{cm} ортиши билан ўсади, бироқ кейин $1/ E_{cm}$га пропорционал равишда камаяди. Қўшалоқ ядро системаси моделига кўра қамралиш J нинг барча (J= 0дан $J= J_{crit}$гача) тўла қўшилишга олиб келувчи потенциал ўра «чўнтакни» берувчи қийматларида мавжуд бўлади. Қачонки J_{crit} нинг қиймати E_{cm} нинг берилган қийматида бурчак моменти J_{max} дан кичик бўлса, қамралиш кесими $\sigma_c E_{cm}$ нинг катта қийматларида камая бошлайди. Бу кириш канали эффекти қамралиш кесимини чегаралаб қўйганини билдиради. $J>J_{crit}$ бўлганда марказдан қочма ва кулон кучлари ядровий кучларни компенсациялайди, мос равишда, потенциал чуқурлик – чўнтак жуда саёз бўлиб қолади ёки умуман бўлмайди. $J<J_{crit}$ бўлганда эса кириш канали яқинидаги емирилиш маҳсулотлари асосан квазиемирилиш маҳсулотлари бўлади. $^{54}Fe + ^{208}Pb$ ва $^{58}Ni + ^{208}Pb$ реакциялар учун мос равишда энергиянинг $E_{cm}\approx 250$ ва $E\approx 260$ МэВ, яъни Кулон тўсиғининг баландлигидан унча катта бўлмаган қийматларида қамралиш кесимлари максимал қийматига эга бўлади. $^{58}Ni + ^{208}Pb$ реакция учун потенциал чўнтакнинг кенглигини 0.5 МэВга оширилса, σ_c нинг абсолют қиймати сал ошади, максимумнинг ҳолати эса тахминан 10 МэВга энергиянинг катта қиймати томонига силжийди.

«Номувоанатли системалар ташқи магнит майдонда» деб аталган олтинчи бобда очиқ системанинг номарков динамикасига ташқи магнит майдонининг таъсири кўриб чиқилган. Номувозанатли квант системанинг динамикасига магнит майдонининг таъсирини аниқлаш мақсадида бозонли термостат билан ўралган зарядланган коллектив системанинг икки ўлчамли потенциал ўрадаги ҳаракати тадқиқ қилинган.

